

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc 03/10.12.2019. Т. 03.03 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК – ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ПАНОЕВ АБДУЛЛО ТИЛЛОЕВИЧ

**ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛАЁТГАН
АСИНХРОН МОТОРЛАРДА ЭНЕРГИЯ ВА РЕСУРС ТЕЖАШ**

**05.05.02–Электротехника.Электр энергия станциялари, тизимлари. Электротехник
мажмуалар ва қурилмалар.**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Паноев Абдулло Тиллоевич

Тўқимачилик корхоналарида қўлланилаётган асинхрон моторларда энергия ва
ресурс тежаш3

Паноев Абдулло Тиллоевич

Энерго и ресурсосбережение в асинхронных двигателях текстильной
промышленности.....23

Panoev Abdullo Tilloevich

Energy and resource saving on asynchronous motors used by textile
enterprises.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....46

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc 03/10.12.2019. Т. 03.03 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК – ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ПАНОЕВ АБДУЛЛО ТИЛЛОЕВИЧ

**ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛАЁТГАН
АСИНХРОН МОТОРЛАРДА ЭНЕРГИЯ ВА РЕСУРС ТЕЖАШ**

**05.05.02– Электротехника. Электр энергия станциялари, тизимлари.
Электротехник мажмуалар ва қурилмалар.**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.1.PhD/Т412 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Пирматов Нурали Бердиёрович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ишназаров Ойбек Хайруллаевич
техника фанлари доктори, профессор

Таслимов Абдурахим Дехканович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат транспорт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc 03/10.12.2019. Т. 03.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «16» декабр соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўч., 2.Тел.: (+99871) 246-46-00; факс: (+99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz.

Диссертацияси билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 188 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўч., 2.Тел.: (+99871) 246-03-41.

Диссертация автореферати 2020 йил «04» декабр да тарқатилди.

(2020 йил «4» декабр даги №15 рақамли реестр баённомаси).



Қ.Р. Аллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси
техника фанлари доктори, профессор, академик

О.З. Тоиров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби в.в.б.
техника фанлари доктори, профессор

М.И. Ибадуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тўқимачилик саноати тизими самарадорлигини оширишда тўқув дастгоҳлари ва йигирув машиналарини эксплуатация қилиш жараёнида энергия ва ресурс тежамкорлик асосида бошқариш усулига ва сифатли махсулот ишлаб чиқаришни аниқлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда « ... электрэнергияси истеъмоли режимларини бошқариш самарадорлиги бошқарув тизими инфратузилмасида қўлланилаётган техника ва янги технологиялар даражасига боғлиқ бўлганлиги ва энергия самарадорликни таъминлашда турлича ёндашувлар мавжуд»¹. Бу борада, жумладан янги технологияларни ишлаб чиқишда дастгоҳлардаги ишларнинг таранглик кучи таъсирини ҳисобга олган ҳолда тўқув дастгоҳлари ва йигирув машиналарини бошқаришда корхонада энергия ва ресурс тежамкор ҳамда сифатли махсулот ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда тўқимачилик корхоналаридаги тўқув дастгоҳлари ва йигирув машиналарини эксплуатация қилиш жараёнида энергия ва ресурс тежамкор усуллар орқали бошқариб, сифатли махсулот ишлаб чиқариш борасида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан тўқув дастгоҳларини янги технологияларни қўллаб бошқаришда энергия ва ресурс тежаш ҳамда сифатли махсулот ишлаб чиқиш, асинхрон моторларни частотавий росталаш қонунларини такомиллаштириш, бошқариш тизимида структура схемасини ишлаб чиқиш ва барқарорликни тахминлаш бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланади. Шу билан бирга, тўқимачилик корхоналаридаги тўқув дастгоҳларида қўлланилаётган асинхрон моторларни частота ўзгартгич орқали бошқариш жараёнида энергия ва ресурс тежамкорлигини таъминлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган электроэнергетикани жадал ривожлантириш ва тўқимачилик корхоналаридаги тўқув дастгоҳларини янги технологиялар асосида бошқариш усули орқали энергия ва ресурс тежамкорликка эришиб сифатли махсулот ишлаб чиқариш бўйича тадқиқотлар ва жорий қилиш чора–тадбирлари амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида, жумладан, «.иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сиғимдорлигини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежовчи янги технологияларни кенг татбиқ этиш, ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш. »² вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан тўқув дастгоҳларининг асинхрон моторларини частота ўзгартгич орқали бошқариш ва йигирув машиналарининг асинхрон моторларини ип структурасининг кўрсаткичлари ўзгариши асосида

¹ www.sciencedirect.com, www.scopus.com, www.literature.rockwellautomation.com

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

асинхрон моторларнинг энергия тежовчи иш режимлари ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил апрел ойида қабул қилинган «Энергиядан рационал фойдаланиш» (№412-1) қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 -сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012 -сон «2017-2021 йилларда ижтимоий соҳа ва саноат соҳаларида энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчан энергия манбаларини қўллашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-2687-сон қарори билан 2017-2019-йилларда тўқимачилик саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисидаги қарорларни ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши қисман хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.: Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тўқимачилик корхоналарида энергия тежаш имконияти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, электр моторларининг ишлаш самарадорлигини ошириб салмоқли электр энергиясини тежаш мумкин. Шунинг учун тўқимачилик корхоналарининг ҳозирги давр талаби ҳисобланилади. Бажарилган илмий иш юқорида келтирилган муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган бўлиб, бунда тўқимачилик корхоналарида ишлатилаётган асинхрон моторлар бўйича бир қатор олимлар илмий ишлар олиб борган, жумладан, дунёнинг етакчи олимлари орасида Малецкая С.В., Малецкий В.В., А.Н.Косыгина, Мартынова А.А., Слостина Г.Л., Власова Н.А., Жуковский Н.Е., Уразбаев М.Т., Минаков А.П., Крылов А.Н., Ерченко П.Ф. ва бошқалар томонидан тўқув дастгоҳлари ва йигирув машиналарининг асинхрон моторларини эксплуатация қилиш жараёнида энергия ва ресурс тежамкорлигига эришиб сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси таклиф этилган. Шу билан бирга, Ильинский Н.Ф., Браславский И.Я., Башмаков И.А., Чоджая М.Х., Алешин Г.И., Вагин Г.А., Лоскутов А.Б., Вакулко А.Г., Охотин А.С., Злобин А.А., Самойлов М.В., Кожевников К., Кузник И., Тиунов М., Сепольская Н.А., Степанов В.С. асинхрон моторларни частотавий ростлаш усули такомиллаштирилган.

Республикада саноат корхоналарида энергия самарадорлигини ошириш борасида қуйидаги олимлар Х.Ф. Фозилов, Р.А.Захидов, Т.Х.Носиров, Қ.Р. Аллаев, А.А.Ҳашимов, Т.С. Камалов, Ф.А.Ҳашимов, Н.Б. Пирматов, О.Х. Ишназаров ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган ва

корхоналардаги ишлаб чиқариш хусусиятларидан келиб чиқиб энергия самарадорликни ошириш бўйича ижобий натижаларга эришилган.

Сезиларли муваффақиятларга қарамай, тўқув дастгоҳлари ва йигирув машиналарининг асинхрон моторларини эксплуатация қилиш жараёнида энергия ва ресурс тежамкорлигига эришиш усуллари етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур ишда тўқув дастгоҳлари ва йигирув машиналарининг асинхрон моторларини эксплуатация қилиш жараёнида энергия ва ресурс тежамкорлигига эришиш масалалари атрофлича кўриб чиқилиб, унинг ечимлари таклиф этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида амалга оширилаётган ОТ-Ф2-62 рақамли “Саноат корхонаси “интеллектуал” электр тармоғини электр таъминоти тизимини умумлашган самарадорлик кўрсаткичи асосида яратиш назариясини ривожлантириш” (2017-2020 йй.) мавзусидаги илмий тадқиқот иши режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тўқимачилик корхоналари технологик машиналарида қўлланилаётган асинхрон моторларини частотавий бошқариш ва реактив қувватни компенсация қилиш орқали энергия ва ресурс тежашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тўқимачилик саноатида қўлланилаётган асинхрон моторларни частотавий ростлаш орқали энергия ва ресурс тежаш ҳамда технологик машиналарнинг иш самарадорлигини ошириш;

тўқув дастгоҳи учун такомиллашган электр юритмаси структура схемасини тузиш, частота характеристикаларини қуриш ва барқарорликка текшириш;

дастгоҳлардаги асинхрон моторларининг структуравий схемасининг узатиш функцияси ва параметрларини таҳлил қилиш;

тўқув дастгоҳлари ва йигирув машиналарида қўлланиладиган асинхрон моторларда экспериментал синовлар ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тўқимачилик саноати технологик машиналарининг асинхрон моторлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатли махсулот ишлаб чиқарадиган ва энергия, ресурс тежамкорликка эга бўлган тўқув дастгоҳларини ва йигирув машиналарининг асинхрон моторларини бошқариш усулини яратиш, ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш ҳамда асосий режимлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тўқув дастгоҳларининг асинхрон моторларини эксплуатация қилиш жараёнида моторнинг тезлигини частота ўзгартгич орқали силлиқ ишга тушуриб бошқариш, асинхрон моторнинг реактив қувватини қоплашнинг математик моделлаш, шунингдек тадқиқотнинг тажрибавий усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тўқув дастгоҳларининг асинхрон моторларини частота ўзгартгич асосида бошқариш усули такомиллаштирилган;

тўқув дастгоҳларининг технологик параметрларини ҳисобга олган ҳолда “частота ўзгартиргич - асинхрон мотор - тўқув дастгоҳ” тизими ишлаб чиқилган;

тўқув дастгоҳларининг такомиллашган электр юритма структура схемаси асосида барқарорлик иш режимлари таҳлил қилинди ва барқарор ишлаш чегаралари аниқланган;

иш структурасининг кўрсаткичлари ўзгаришини аниқлаш асосида асинхрон моторларнинг энергия тежовчи иш режимлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тўқимачилик корхоналаридаги тўқув дастгоҳларининг асинхрон моторларини тезлигини частота ўзгартгичлар асосида бошқариб электр энергиясини 11 % тежайдиган бошқариш усули ишлаб чиқилган;

тўқимачилик корхоналаридаги тўқув дастгоҳларини эксплуатация қилиш жараёнида ресурс (сифатли мато ишлаб чиқариш) тежаш усули ишлаб чиқилган;

тўқимачилик корхоналаридаги тўқув ва йигирув цехларининг реактив қувватини компенсацияловчи, электр энергия тежамкорлигига олиб келадиган дастур ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тўқув дастгоҳларининг асинхрон моторларини ёпиқ тизимли функционал схема асосида частотали бошқариш усули ёрдамида амалиётда қўлланилиши билан тасдиқланади ва олинган натижаларининг амалий ечимлари билан мос келиши ва уларнинг амалиётга жорий этилиши билан аниқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тўқув дастгоҳининг асинхрон моторларини частотали бошқариш орқали сифатли мато ишлаб чиқариш ҳамда ёпиқ тизимли функционал схемаси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган ёпиқ тизимли функционал схемаси, тўқув дастгоҳининг асосий техник тавсифларини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тўқув дастгоҳларининг асинхрон моторларини частота ўзгартгич орқали бошқариш бўйича олинган натижалар асосида:

тўқув дастгоҳларини частота ўзгартгич ёрдамида бошқариш усулига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигидан ихтирога патент олинган (№IAP 05999-2018й). Натижада, сарфланадиган электр энергияни 11% тежаш имкони яратилган ва сифатли мато ишлаб чиқаришга эришилган;

асинхрон моторларини частотали бошқариш усули Бухоро “RUSHAN TEKS” МЧЖ тўқимачилик корхонасида жорий этилган (Ўзтўқимачиликсаноат

уюшмасининг 2018 йил 5-ноябрдаги №БМ-06-5878–сон маълумотномаси). Натижада, 133,01 млн сўм йиллик иқтисодий самара олинган;

реактив қувватни компенсация қилиш қурилмаси “Daewoo Textile” МЧЖ жорий қилинган (Ўзтўқимачиликсаноат уюшмасининг 2018 йил 5-ноябрдаги №БМ-06-5878–сон маълумотномаси). Натижада, 162.17 млн сўм йиллик иқтисодий самара олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижа-лари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 6 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги: Диссертация мавзуси бўйича нашрларда 25 та илмий мақолалар чоп этилган. Шундан хорижий мамлакатларда чоп этилганлари 2 та, 1 та Ихтирога патент, МДХ давлатларида, жумладан, Россия илмий журналларида 2 та, 3 та халқаро конференцияда, 6 таси илмий журналларда, 11 та илмий конференциялар тўпламларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиши устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги ёритилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, ишнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти асосланган, диссертация тадқиқоти натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши кўрсатилган.

Диссертациянинг “Тўқимачилик корхоналарида энергия истеъ-моли” номли биринчи бобида ўрганилаётган тадқиқот предмети соҳасини назарияси ва амалиёти ҳолати ҳамда уни истиқболий ривожланиши йўналишлари ва такомиллаштириш анъаналари очиб берилган. Ҳозирги вақтда тўқимачилик корхоналаридаги йиғирув машиналари ва тўқув дастгоҳларида асосан асинхрон моторлари қўлланилиб келинмоқда. Ҳозирги вақтда Бухоро “RUSHAN TEKS” МЧЖ корхонасида тўқув дастгоҳлари ва йиғирув машиналари ишлатилиб келинмоқда. Йиғирув машиналаридан R-923 типидagi йиғирув машиналари ҳисобланади. R-923 типидagi йиғирув машиналарида асосан 2SE132M-4A, FDR100LC/4Q ва бошқа туркумли уч фазали қисқа туташтирилган роторли асинхрон моторлари қўлланилмоқда. Уларнинг қуввати 7,5 кВт, 9,2 кВт, 2x11 кВт, 15 кВт, 3x18,5 кВт, 2x22 кВт кучланиши эса 220/380 В ни ташкил этади. Ҳозирги вақтда Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги “RUSHAN TEKS” МЧЖ

корхонаси СТБ типдаги тўқимачилик дастгоҳларидан фойдаланиб келинмоқда. Ҳозирги вақтда Бухоро “RUSHAN TEKS” МЧЖ корхонасининг тўқимачилик дастгоҳларида асосан 4A100L6У3, 4A100S4У3, 4A112МА6У3, 4АИРМ06У3, 4АИРМ11В6У3 ва бошқа туркумли уч фазали қисқа туташтирилган роторли асинхрон моторлари ишлатилмоқда. Уларнинг қуввати 2,2 - 4 кВт, кучланиши эса 220/380 В ни ташкил этади. Тўқимачилик корхоналаридаги тўқув дастгоҳларида ва йигирув машиналарида қўлланиладиган асинхрон электр юритмаларга қуйидаги асосий талаблар қўйилади:

- силлиқ ишга тушуриш; - ип узулганда тезда тўхтатиш; - технологик жараён давомида ипларнинг таранглигини бир хилда ушлаб туриш.

Юқоридаги талабларни бажарилиши учун ушбу диссертация ишида кўриб чиқиладиган тўқув дастгоҳлари ва йигирув машиналарида қўлланиладиган асинхрон электр юритмани бошқариш учун частота ўзгартгични қўллаб амалга оширилган. “RUSHAN TEKS” МЧЖ корхонасининг йигирув ва тўқув цехларида охириги тўрт йилда истеъмол қилган актив ва реактив энергияларнинг бир ойдаги қийматлари 1.1-жадвалда келтирилган.

1.1-жадвал

Цех номи	Актив энергия, $W_a; \text{кВт} \cdot \text{с}$	Реактив энергия, $W_p; \text{кВар} \cdot \text{с}$
2014 йилда		
Йигирув цехи	951	543
Тўқув цехи	18307	16624
2015 йилда		
Йигирув цехи	7831	3943
Тўқув цехи	27576	19136
2016 йилда		
Йигирув цехи	12526	6850
Тўқув цехи	34124	21458
2017 йилда		
Йигирув цехи	19076	8989
Тўқув цехи	43125	24456

“Тўқимачилик корхоналарида энергия тежашнинг ташкилий ва техник чора – тадбирлари” номли 2-бобда Тўқимачилик корхоналарида асосан йигирув машиналари ва тўқув дастгоҳлари ишлатилиб келинмоқда. Жумладан, пахтани тозалаш, пахтадан йигирув машиналари орқали ип ишлаб чиқариш технологик жараён босқичлари ҳисобланади. Шунинг учун, тадқиқотнинг асосий мақсади электр моторларда электр энергиясини тежаш имкониятларини ўрганиш деб белгиланди. Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги “RUSHAN TEKS” МЧЖ ва “Daewoo Textile” МЧЖ хорижий корхонаси Бухоро филиалида тўқув дастгоҳлари ва йигирув машиналарининг асинхрон моторларида олиб борилган тажрибалар натижалари 2.1-жадвалда келтирилган.

2.1-жадвал

№	Энергияни тежаш тадбирлари	Олинадиган натижа	Энергияни тежаш %
1	Асинхрон моторларини подшипникларини мойлаш	Юкламани камайтиради	3.5 %
2.	Тезлиги ростланадиган электр юритмаларни қўллаш	Юкламага мувофиқ энергия етказилади	11%
3.	Маънавий эскирган моторларни янгисига алмаштириш	Электр энергия исрофини камайтиради.	2-5 %
4.	Асинхрон моторларнинг ишлаши вақтини чеклаш	Салт ишлаш исрофини камайтиради	1-5 %
5.	Моторларни «учбурчак» «юлдуз» схемасига ўтказиш	Энергия исрофини камайтиради	1-5 %
6.	Реактив қувватни қоплаш	Исрофлар камаяди	10-17%
7.	Тўла юкланмаган асинхрон моторларини қувватини танлаш	Мотор қувватини камайтиради	7%

Мисол тариқасида тезлиги ростланадиган электр юритмаларни қўллаш 11% энергия тежамкорлигига эришилади. Буни қуйидагича экспериментал тадқиқотлар олиб бориш жараёнида аниқланди (илова 5). Яъни тўқув дастгоҳининг асинхрон моторини частота ўзгартгич орқали бошқариш жараёнида энергия тежамкорлигига эришилди. Бунда қуввати $P=2,2$ кВт га тенг бўлган тўқув дастгоҳининг асинхрон моторини, биринчи маротаба бир соатда частота ўзгартгичсиз бошқариб ишга тушурган вақтда энергия миқдори $W_3 = 1$ кВт *с га тенг бўлди. Иккинчи маротаба эса бир соатда шу қувватдаги қуввати $P = 2,2$ кВт га тенг бўлган тўқув дастгоҳининг асинхрон моторини частота ўзгартгич орқали бошқариб ишга тушурган вақтда энергия миқдори $W_3 = 0,89$ кВт *с га тенг бўлди. Умумий фарқ эса $W_3 = 0.11$ кВт *с га тенг бўлди. Демак тўқув дастгоҳининг асинхрон моторини частота ўзгартгич орқали бошқарган вақтда бир соатда сарфланаётган электр энергиясининг 11% тежалишига эришилди. Бу фоиз 3 кВт ли асинхрон моторда ҳам текширилган (илова 5).

“RUSHAN TEKS” МЧЖ тўқимачилик корхонаси мисолида асинхрон моторларда энергия тежаш” номли 3-бобда ҳозирги кунда тўқимачилик корхоналаридан бири Бухоро шаҳридаги “RUSHAN TEKS” МЧЖ тўқимачилик корхонасида қўлланилаётган электр моторларини бир неча усуллар ёрдамида юрғазиш мумкин. Замонавий энергия тежамкор моторларни қўллаб ишга тушириш, моторларнинг қувватини ўзгартириб энергия тежамкорлигига эришиш, моторларнинг реактив қувватини қоплаш орқали энергия тежамкорлигига эришиш ва тўқув дастгоҳларидаги моторларни тезлигини частота ўзгартгич орқали бошқариш. Тўқимачилик корхоналарида асосий реактив қувватни истеъмол қилувчилар уч фазали асинхрон моторлар ҳисобланилади. Реактив қувватнинг ўзгариш динамикаси реактив қувват коэффициентини орқали ифодаланади.

$$\operatorname{tg} \varphi = \frac{Q}{P}, \quad (3.1)$$

бу ерда $Q = U \cdot I \cdot \sin \varphi$ – реактив қувват, $P = U \cdot I \cdot \cos \varphi$ – актив қувват, φ – кучланиш ва ток векторлари орасидаги бурчак.

Гарчи $\operatorname{tg} \varphi$ электр истеъмолчиларнинг ишлаб чиқариш режимларини тўлиқ тавсифлашда кўпроқ қувват коэффитциентидан фойдаланилади:

$$\cos \varphi = \frac{P}{U \cdot I}, \quad (3.2)$$

бу ерда $S = U \cdot I$ – тўла қувват.

Қувват коэффицент тўла қувватнинг қанча қисми фойдали ишга сарф бўлганини тавсифловчи коэффицентдир. Истеъмолчининг қувват коэффицентини пасайса, тармоқдаги тўла қувват ошади, яъни:

$$S_T = \frac{P_P}{\cos \varphi}, \quad (3.3)$$

бу ерда P_P – истеъмолчининг актив қуввати ва U кўрсаткичларнинг

ўзгармаган қийматларида
$$I_P = \frac{P_P}{\sqrt{3} \cdot U \cdot \cos \varphi} \quad (3.4)$$

реактив ток қиймати ошади, бу эса эксплуатацион сарфларнинг ошишига олиб келади, яъни тармоқда электр энергия исрофи ошади:

$$\Delta P = 3 \cdot R \cdot I_P^2 = \frac{R \cdot P_P^2}{U^2 \cdot \cos^2 \varphi}, \quad (3.5)$$

бу ерда R – уч фазали қурилма бир фазасининг актив қаршилиги.

АД нинг қувват коэффицентини аниқлаш.

АД нинг қувват коэффицентини қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$\cos \varphi = P/S = P/\sqrt{P^2 + Q^2}, \quad P = M \cdot \omega + 3 \cdot I_1^2 \cdot R_1 - \text{актив қувват} \quad (3.6)$$

бу ерда бурчак тезлик қуйидагига тенг $\omega = 2 \cdot \pi \cdot f = 2 \cdot \pi \cdot n \cdot p/60 = \pi \cdot n \cdot p/30$

$$Q = 3 \cdot I_\mu^2 \cdot x_\mu + 3 \cdot I_1^2 \cdot x_1 + 3 \cdot I_2^2 \cdot x_2 - \text{реактив қувват}; \quad S = \sqrt{P^2 + Q^2} - \text{тўла қувват} \quad (3.7)$$

$\cos \varphi = 1,0$ га эришиши учун одатда қўшимча конденсаторлар батарея-сини улашга тўғри келади. Реактив қувватни компенсация қилишда зарур бўладиган конденсаторларнинг сифимини ҳисоблаш қуйидаги формула билан амалга оширилади:

$$C = \frac{P}{\omega \cdot U^2} \cdot (\operatorname{tg} \varphi_1 - \operatorname{tg} \varphi_2), \quad (3.8)$$

бу ерда $P = I_a \cdot U$ – электр истеъмолчининг актив қуввати, $\omega = 2\pi f$ – бурчак частота, U – тармоқ кучланиши, φ_1, φ_2 – реактив қувватни компенсация қилишдан олдин ва кейин ток вектори \dot{I} билан тармоқ кучланиши U орасидаги бурчаклар.

Конденсатор батареяларининг қуввати қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Q = P \cdot (\operatorname{tg} \varphi_1 - \operatorname{tg} \varphi_2). \quad (3.9)$$

Демак, реактив қувватни компенсация қилиш зарур. Бунинг учун мана шу цехга кирувчи шитнинг ёнига алоҳида конденсаторлар турадиган шкаф ўрнатилади. Шу шкафга конденсаторларни жойлаштириб қўйилади (3.3-жадвал)

Корхонадаги йигирув машиналарининг асинхрон моторларини реактив қувват истеъмоли бўйича қайта ҳисоблаб таққослаш жадвали. 2018 йил ҳисобида

№	Ойлар	Ташкилот номи	Амалдаги истеъмол		tgφ нинг норматив қиймати	Амалдаги tgφ қиймати	Норматив cosφ формула бўйича	Амалдаги cosφ формула бўйича	Қувват коэффиценти. Исрофи $1/a * \cos\phi^2$	Норматив технологик йўқотиш кВт*с	Амалдаги технологик йўқотиш кВт*с	Қайта ҳисоб	
			Актив энергия кВт	Реактив энергия кВар*с								кВт*с	Сумма
1	Январь	"RUSHAN TEKS"	120 600	53 200	0,25	0,44	0,97	0,915	1,19	31 356	37 458	6 102	1 128 444,38
2	Февраль	"RUSHAN TEKS"	159 400	60 200	0,25	0,38	0,97	0,936	1,14	27 098	30 963	3 865	665 404,66
3	Март	"RUSHAN TEKS"	136 400	47 800	0,25	0,35	0,97	0,944	1,12	23 188	26 036	2 848	500 735,08
4	Апрель	"RUSHAN TEKS"	134 000	47 800	0,25	0,36	0,97	0,942	1,13	21 440	24 168	2 728	453 394,10
5	Май	"RUSHAN TEKS"	108 600	38 800	0,25	0,36	0,97	0,942	1,13	17 376	19 594	2 218	417 042,92
6	Июнь	"RUSHAN TEKS"	107 800	40 200	0,25	0,37	0,97	0,937	1,14	17 248	19 647	2 399	433 902,24
7	Июль	"RUSHAN TEKS"	138 800	60 800	0,25	0,44	0,97	0,916	1,19	22 208	26 469	4 261	740 435,93
8	Август	"RUSHAN TEKS"	149 000	81 000	0,25	0,54	0,97	0,879	1,30	23 840	30 885	7 045	1 228 571,47
9	Сентябрь	"RUSHAN TEKS"	83 200	22 600	0,25	0,27	0,97	0,965	1,07	13 312	14 294	982	178 707,07
10	Октябрь	"RUSHAN TEKS"	83 600	61 400	0,25	0,73	0,97	0,806	1,54	13 376	20 591	7 215	1 364 545,14
11	Ноябрь	"RUSHAN TEKS"	90 200	24700	0,25	0,27	0,97	0,964	1,07	20 484	22 020	1536	288792,20
12	Декабрь	"RUSHAN TEKS"	90 600	38 400	0,25	0,42	0,97	0,921	1,18	20 575	24 271	3 696	654 997,45
		Жами:	1 402 200	553 600								44 895	8054972,64

“RUSHAN TEKS” МЧЖ корхонасининг йигирув машиналарида қўлла-нилаётган асинхрон моторларини эксплуатация қилиш жараёнида реактив қувватни конденсаторлар орқали қоплаб энергия тежамкорлигига эришилди.

Тўқув дастгоҳларининг асинхрон моторларига кучланиш берилганда, зарбий ток ҳосил бўлади, уни ишга тушириш токи ёки тормозланган ротордаги ток деб номланади. Ишга тушириш токи номинал токдан 4-7 баробар катта бўлиб, қисқа муддат таъсир қилади. Тезлашиб олганидан сўнг асинхрон мотордаги ток минимал қийматга тушиб кетади. Бундан ташқари тўқув дастгоҳининг арқоқ ипларининг танда иплари билан ўрилишмай осилиб қолиш ҳолатлари рўй бериши ва қисқа –қисқа участкаларда ўрилишнинг бузилиши, яъни матода бир нечта қатор чизиклар пайдо бўлишини, ипларнинг узилишини келтириб чиқаради. Яъни ушбу ҳолат 3.2-расмда келтирилган.




3.2-расм. Тўқув дастгоҳини частота ўзгартгичсиз бошқариш жараёнидаги ҳосил бўлган мато

Тўқув дастгоҳларининг асинхрон моторларини частота ўзгартгич ёрдамида бошқариш усули. Бундан мақсад тўқув дастгоҳларининг асинхрон моторларини ишга тушириш ва бошқариш частота ўзгартгич ёрдамида амалга оширилади, у автомат ва асинхрон мотор орасида ўрнатилади ва асинхрон моторнинг айланиш частотасини бошқаради, кўшимча тарзда электр энергия тежалишига олиб келади. 3.3-расмда таклиф этилган усулни амалга ошириш схемаси кўрсатилган.



3.3-расм. Тўқув дастгоҳининг асинхрон моторини частота ўзгартгич ёрдамида бошқариш схемаси

3.4-расмда “RUSHAN TEKS” МЧЖ тўқимачилик корхонаси тўқув дастгоҳларини асинхрон мотор ёрдамида частотали бошқаришнинг ёпиқ функционал схемаси кўрсатилган.



3.4-расм. “RUSHAN TEKS” МЧЖ тўқимачилик корхонаси тўқув дастгоҳларини асинхрон мотор ёрдамида частотали бошқаришнинг ёпиқ функционал схемаси

Асинхрон машинанинг электромагнит momenti ротор чулғами ўтказгичларидан ўтадиган ток актив ташкил этувчиси ($I_2 \cos\psi_2$) нинг статор чулғами ҳосил қилган айланма майдон, яъни магнит оқим Φ_{\max} билан таъсирлашиб Ампер қонунига асосан электромагнит куч $F_{em} = B_{\delta} li$ вужудга келади. Бу куч ҳосил қилган электромагнит момент куйидагича аниқланади:

$$M = C_M \cdot \Phi_{\max} \cdot I_2 \cdot \cos\psi_2, \quad (3.10)$$

бунда: $C_M = p \cdot m_2 \cdot k_{ch2} / \sqrt{2}$ – ўзгармас катталиқ; Φ_{\max} – магнит оқимнинг максимал қиймати. (3.10) формула фақатгина асинхрон машиналар учунгина тўғри бўлиб қолмай, балки электр машиналарининг барча турлари учун ҳам тўғридир. Бу формула момент қийматининг моторда содир бўладиган физик ҳодисалар орасидаги боғланишни ўрнатади. Ундан моторнинг ҳар хил режимлардаги иш жараёнини сифат жиҳатдан таҳлил қилишда фойдаланиш қулай ҳисобланади. Лекин бу формулага кирган (Φ_{\max} , I_2 ва $\cos\psi_2$) катталиқлар тўғридан-тўғри тармоқ кучланиши ва машинанинг иш режими билан боғланмаган, уларни тажрибада аниқлаш эса анча мураккабдир. Шу сабабли куйида электромагнит (айлантирувчи) моментнинг қийматини энг оддий аниқлаш, унга машинанинг ҳар хил параметрлари ва эксплуатацион режимларининг таъсирини ҳисобга олиш имконини берадиган бошқа формула ёрдамида аниқлаш мумкин. Асинхрон машиналарнинг тенгламалари умумлашган машина тенгламаларидан олинади. Барқарорлашган режимда машина кучланишларининг мувозанат тенгламаси куйидаги кўринишда бўлади:

$$\left. \begin{aligned} \dot{U}_{s\alpha} &= R_s \dot{I}_{s\alpha} + j\omega L_s \dot{I}_{s\alpha} + j\omega M \dot{I}_{r\alpha}, \\ \dot{U}_{s\beta} &= R_s \dot{I}_{s\beta} + j\omega L_s \dot{I}_{s\beta} + j\omega M \dot{I}_{r\beta}, \\ -\dot{U}_{r\alpha} &= R_r \dot{I}_{r\alpha} + j\omega L_r \dot{I}_{r\alpha} + j\omega M \dot{I}_{s\alpha} + M \dot{I}_{s\beta} \omega_r + L_r \dot{I}_{r\beta} \omega_r, \\ -\dot{U}_{r\beta} &= R_r \dot{I}_{r\beta} + j\omega L_r \dot{I}_{r\beta} + j\omega M \dot{I}_{s\beta} + M \dot{I}_{s\alpha} \omega_r + L_r \dot{I}_{r\alpha} \omega_r, \end{aligned} \right\} \quad (3.11)$$

бу ерда $\dot{U}_{s\alpha}$, $\dot{U}_{s\beta}$, $\dot{U}_{r\alpha}$, $\dot{U}_{r\beta}$ - мос равишда α ва β ўқлари бўйича статор ва ротор чулғамларидаги кучланишлар; ω_r - роторнинг бурчак тезлиги; $\dot{I}_{s\alpha}$, $\dot{I}_{s\beta}$, $\dot{I}_{r\alpha}$, $\dot{I}_{r\beta}$ - мос равишда α ва β ўқлари бўйича статор ва ротор чулғамларидаги

токлар; R_s, R_r - статор ва ротор чулғамларининг актив қаршиликлари; L_s, L_r - статор ва ротор чулғамларининг сочилма индуктивлиги; M - ўзаро индуктивлик; j - инерция моменти. Қисқа туташтирилган асинхрон машиналар учун $\dot{U}_{r\alpha} = 0; \dot{U}_{r\beta} = 0$. $j\omega L_s = j\omega M + j\omega l_{s\sigma}, j\omega L_r = j\omega M + j\omega l_{r\sigma}; x_0 = \omega M; x_s = \omega l_{s\sigma}; x_r = \omega l_{r\sigma}$ ва нисбий тезликлар $v = \omega_r / \omega_s$ ни ҳисобга олганда асинхрон машина кучланишларининг мувозанат тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлади.

$$\left. \begin{aligned} \dot{U}_{s\alpha} &= R_s \dot{I}_{s\alpha} + jx_s \dot{I}_{s\alpha} + jx_0 \dot{I}_{s\alpha} + jx_0 \dot{I}_{s\alpha}, \\ \dot{U}_{s\beta} &= R_s \dot{I}_{s\beta} + jx_s \dot{I}_{s\beta} + jx_0 \dot{I}_{s\beta} + jx_0 \dot{I}_{s\beta}, \\ 0 &= -R_r \dot{I}_{r\alpha} - jx_r \dot{I}_{r\alpha} - jx_0 \dot{I}_{r\alpha} - jx_0 \dot{I}_{s\alpha} + x_0 \dot{I}_{r\beta} v + (x_r + x_0) \dot{I}_{r\beta} v, \\ 0 &= -R_r \dot{I}_{r\beta} - jx_r \dot{I}_{r\beta} - jx_0 \dot{I}_{r\beta} - jx_0 \dot{I}_{s\beta} + x_0 \dot{I}_{r\alpha} v + (x_r + x_0) \dot{I}_{r\alpha} v. \end{aligned} \right\} \quad (3.12)$$

$\dot{I}_{s\beta} = j\dot{I}_{s\alpha}, \dot{I}_{r\beta} = j\dot{I}_{r\alpha}$ ҳисобга олиб ва оралиқ ўзгартиришлардан кейин қуйидаги тенгламаларга эга бўламиз.

$$\left. \begin{aligned} \dot{U}_s &= R_s \dot{I}_s + jx_s \dot{I}_s + jx_0 \dot{I}_0, \\ 0 &= -R_r \dot{I}_r - jx_r (1-v) \dot{I}_r - jx_0 (1-v) \dot{I}_r - jx_0 (1-v) \dot{I}_s, \\ \dot{I}_0 &= \dot{I}_s + \dot{I}_r. \end{aligned} \right\} \quad (3.13)$$

Ротор чулғамини статор чулғамига келтириб ва сирпанишни ҳисобга олган ҳолда:

$$S = \frac{n_c \pm n_r}{n_c} = 1 \pm v, \quad (3.14)$$

$\dot{E}_0 = -j\dot{I}_0 z_0$ ва $\dot{E}_s = \dot{E}_r = \dot{E}_0$ алмаштиришлардан кейин асинхрон машина учун қуйидаги тенгламага эга бўламиз:

$$\dot{U}_s = -\dot{E} + \dot{I}_s z_s, 0 = \dot{E}_0 - \dot{I}'_r z_r - \dot{I}'_r R'_r (1-s) / s, \quad (3.15)$$

$$\dot{I}_0 = \dot{I}_s + \dot{I}'_r, \quad (3.16)$$

(3.12) тенгламани статор чулғами учун қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$\left. \begin{aligned} U_{s\alpha} &= d\Psi_{s\alpha} / dt - w_s \Psi_{s\beta} + R_s I_{s\alpha} \\ U_{s\beta} &= d\Psi_{s\beta} / dt - w_s \Psi_{s\alpha} + R_s I_{s\beta} \end{aligned} \right\} \quad (3.17)$$

Ротор чулғами учун:

$$\left. \begin{aligned} 0 &= d\Psi_{r\alpha} / dt - (w - w_s) \Psi_{r\beta} + R_r I_{r\alpha} \\ 0 &= d\Psi_{r\beta} / dt - (w - w_s) \Psi_{r\alpha} + R_r I_{r\beta} \end{aligned} \right\}, \quad (3.18)$$

Ротор ҳаракат тенгламаси

$$\frac{dw_r}{dt} = \frac{P}{T_j} (M_{\text{эм}} - M_C) \quad M_C = F_T \cdot l \quad (3.19)$$

бу ерда: F_T -ипларнинг таранглик кучи; l -ипларнинг узунлиги
Асинхрон моторнинг электромагнит моменти:

$$M_{\text{эм}} = \frac{m_1 \cdot U_{1\text{ном}}^2}{\omega_{1\text{ном}}} \cdot \gamma^2 \cdot \frac{1}{[a(\alpha)]^2 \cdot \frac{\beta}{r_2} + [b(\alpha)]^2 \cdot \frac{r_2}{\beta} + 2 \cdot r_1 \cdot \alpha} \quad (3.20)$$

бу ерда $\alpha = \frac{\omega_1}{\omega_{1\text{ном}}} = \frac{f_1}{f_{1\text{ном}}}, \beta = \frac{\omega_2}{\omega_{1\text{ном}}} = \frac{\omega_1 - \omega}{\omega_{1\text{ном}}} = \frac{f_2}{f_{1\text{ном}}}, \gamma = \frac{U_1}{U_{1\text{ном}}}; a = \frac{r_1}{r_2}.$

Клосс формуласига келтирамиз:
$$M_{эм} = \frac{2 \cdot M_{к} \cdot (1 + q \cdot \beta_{к})}{\frac{\beta}{\beta_{к}} + \frac{\beta_{к}}{\beta} + 2 \cdot q \cdot \beta_{к}} \quad (3.21)$$


бу ерда $q = \frac{r_1 \cdot X_m^2}{r_2 \cdot \alpha \cdot Z_1^2}$; $\beta_{к} = r_2 \frac{Z_2(\alpha)}{Z_1(\alpha) \cdot X_2}$ - абсолют критик сирпаниш.

Критик момент:
$$M_{к}(\alpha, \gamma) = \frac{m_1 \cdot U_{ном}^2}{\omega_{ном}} \cdot \gamma^2 \cdot \frac{q \beta_{к}}{2 \cdot r_1 \cdot \alpha (1 + q \beta_{к})} \quad (3.22)$$

Асинхрон моторни бошқариш қонунияти

$$\gamma = \alpha \sqrt{\mu} \quad \text{ёки} \quad \frac{U}{U_{ном}} = \frac{f}{f_{ном}} \cdot \sqrt{\frac{M}{M_{ном}}} \quad (3.23)$$

3.5-расмда тўқув дастгоҳларида қўлланиладиган қуввати 2,2 кВт, кучланиши 220/380 В, айланиш тезлиги 950 айл/мин бўлган 4А100L6У3 типдаги қисқа туташтирилган роторли асинхрон моторнинг табиий (узлуксиз чизик) ва $U/f = \text{const}$ қонун асосида частотали бошқарилган ҳолатдаги механик характерис-тикаси (узук-узук чизик) кўрсатилган.



3.5-расм. 4А100L6У3 типдаги қисқа туташтирилган роторли асинхрон моторнинг механик характеристикалари: табиий (узлуксиз чизик) ва частотали бошқарилган ҳолатдаги (узук-узук чизик)

3.5-расмдан шу нарса кўринадикки, тўқув дастгоҳининг асинхрон моторини частотали бошқариш ҳолатидаги механик характеристикаси табиий механик характеристикага жуда яқин бўлар экан. Тўқув дастгоҳларини частота ўзгартгич ёрдамида бошқариш жараёнида қуйидаги нуқсонларни олдини олишга эришилди:

1. Ипларнинг узилиши рўй бермайди, натижада айрим тўқилмай қолган жойларини ҳам тўқийди.

2. Арқоқ ипларининг танда иплари билан ўрилишмай осилиб қолишини олди олинади, яъни бир хил тарангликда (бир хил тезликда) сақлаб туришини таъминлайди.

3. Арқоқ ипларининг танда иплари билан ўрилишмай осилиб қолиши натижасида қисқа –қисқа участкаларда ўрилишнинг бузилиши, яъни матода бир нечта қатор чизиклар пайдо бўлишини, ипларнинг узилишини олди олинади (бир хил таранглик, яъни бир хил тезлик таъминланади), ҳамда сифатли мато ишлаб чиқарилишига эришилади.

3.6- расм. Тўқув дастгоҳининг асинхрон моторини частота ўзгартгич орқали бошқариш жараёнидаги ҳосил бўлган мато кўрсатилган.




3.6- расм. Тўқув дастгоҳининг асинхрон моторини частота ўзгартгич орқали бошқариш жараёнидаги ҳосил бўлган мато

Бундан ташқари экспериментал тадқиқотлар олиб бориш жараёнида тўқув дастгоҳларининг асинхрон моторини частота ўзгартгич орқали бошқаришда ипларнинг узулиши рўй бермайди, натижада кам вақт сарфлаб, кўп ва сифатли мато ишлаб чиқарилишига эришиш мумкин

3.4-жадвал


2,2 кВт Мотор	Тўқув дастгоҳининг асинхрон моторини частота ўзгартгичси з бошқариш жараёнида мато ишлаб чиқариш (метрда)	Тўқув дастгоҳининг асинхрон моторини частота ўзгартгич орқали бошқариш жараёнида мато ишлаб чиқариш (метрда)	Фарқи, фойда (метрда)	Олинган фойда 1 та тўқув дастгоҳи учун (сўмда)	Олинган фойда 108 та тўқув дастгоҳи учун (сўмда)
1 -Соатда	7	9	2	18000	1944000
1 -Суткада (21 соатда)	147	189	42	378000	40824000
1 - Ойда (26 кун)	3822	4914	1092	9828000	1061424000
1 - Йилда (12 ойда)	45864	58968	13104	117936000	12737088000

“Тўқимачилик корхоналаридаги йигирув машиналари ва тўқув дастгоҳларида қўлланилаётган асинхрон моторларда ўтказилган тажрибалар” номли 4- бобида ҳозирги вақтда тўқимачилик корхоналаридан “RUSHAN TEKS” МЧЖ ва “Daewoo Textile” МЧЖ хорижий корхонаси Бухоро филиали тўқимачилик корхонаси мисолида қўлланилаётган асинхрон моторларида экспериментал тадқиқотлар ўтказилди. Осциллограммалар Германия давлатида ишлаб чиқарилган “PeakTech-1240” типдаги осциллографда олинган. Асинхрон моторининг салт ишлаш режимда ишлаш жараёнидаги осциллограммаси 4.1-расмда кўрсатилган. Бундан шуни кўришимиз мумкинки бу режимда фаза кучланишининг ўзгариши синусоидал шаклда бўлади.




4.1-расм . Асинхрон оторнинг салт ишлаш режимидаги фаза кучланишининг осциллограммаси

Кейинги схемада худди шу кучланишдаги ва худди шу қувватдаги асинхрон моторларини фақат юклама режимида ишлаш жараёнидаги осциллограммасида шуни кўриш мумкинки, графикда фаза кучланишининг шакли синусоида шаклига нисбатан бузилади, чунки юкори гармоникалар пайдо бўлади.




4.2-расм. Асинхрон моторларни юклама режимидаги фаза кучланишининг осциллограммаси

Кейинги схемамизда асинхрон мотор юклама режимида ишлаш жараёнида моторга статик конденсатор улаб осциллограммасини олиш жараёнида шуни кўришимиз мумкинки графикда юкори гармоникалар компенсация килинганлиги сабабли, фаза кучланишининг шакли синусоида шаклида бўлади.




4.3-расм. Асинхрон моторнинг конденсатор орқали юклама режимидаги фаза кучланишининг осциллограммаси


Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки тўқимачилик корхоналарида қўлланилаётган асинхрон электр моторларини эксплуатация қилиш жараёнида моторларни статик конденсаторлар орқали бошқарсак реактив қувватни қоплаш орқали электр энергия тежамкорлигига эришиш мумкинлигини “RUSHAN ТЕКС” МЧЖ ва “Daewoo Textile” МЧЖ хорижий корхонаси Бухоро филиали корхонаси мисолида экспериментал тадқиқотлар ўтказиш йўли орқали исботлаб берилди. Бундан ташқари асинхрон моторларининг тезлик бўйича олинган экспериментал тадқиқотларни ҳам кўриш мумкин (4.4-4.6-расмлар).



4.4-расм. Асинхрон моторнинг салт ишлаш режимида ишга тушуриш вақтидаги тезликнинг осциллограммаси



4.5-расм. Асинхрон моторни юклама режимида ишга тушуриш вақтидаги тезликнинг осциллограммаси



4.6-расм. Асинхрон моторни юклама режимида конденсатор улаб қўшиб ишга тушуриш вақтидаги тезликнинг осциллограммаси

Тўқув дастгоҳларидаги моторларини ишга тушириш жараёнида жуда катта ишга тушириш токлари ҳосил бўлади. Тўқув дастгоҳларининг электр моторларига кучланиш берилганда, ток сакраши ҳосил бўлади, уни ишга тушириш токи ёки тормозланган ротордаги ток деб номланади. Ишга тушириш токи номинал токдан 5-7 баробар юқори бўлади, қисқа муддат таъсир қилади. Тезлашиб олганидан сўнг электр мотордаги ток минимал қийматга тушиб кетади. Мавжуд меъёр ва қоидаларга мос равишда, ишга тушириш тоқини камайтириш учун, шу билан бир қаторда таъминот кучланишини стабиллаштириш учун тўқув дастгоҳларининг асинхрон моторини частота ўзгартгич орқали бошқарамиз. Тўқув дастгоҳларини ишга тушириш ва бошқаришда частота ўзгартгич ёрдамида амалга оширилади, у автомат ва мотор орасида ўрнатилади ва моторнинг айланиш частотаси билан бошқарилади, кўшимча тарзда электр энергия тежалишига олиб келади.

4.1-жадвал

Частота	f, герц	0	10	20	30	40	50
Мотор	п.айл/мин	0	300	600	900	1200	1500
Тўқув дастгоҳи	п.айл/мин	0	36	72	108	144	180

Электр энергиясининг тежашнинг яна бир тури тўқув дастгоҳларининг асинхрон моторларини Украина давлатидаги “Аіронікс компонентс” (Киев шаҳри) корхонасида ишлаб чиқилган CFM 210 типдаги частота ўзгартгич орқали бошқариш. “RUSHAN TEKS” МЧЖ корхонасининг тўқув цехларида куввати $P = 2.2$ кВт ли ротори қисқа туташтирилган асинхрон электр моторининг бир йиллик истеъмол қилган актив ва реактив энергияларининг қийматлари 4.2-жадвалда келтирилган:

4.2-жадвал

2,2 кВт ли Мотор	W_a -кВт*с	W_p -кВар*с	1-кВт*с ЭЭ суммаси
1 –Соатда	1	1,6	250
1 - Суткада (21 соатда)	21	33,6	
1 –Ойда	546	873,6	
1 - Йилда (12 ойда)	6552	10483,2	

“RUSHAN TEKS” МЧЖ корхонасининг тўқув дастгоҳлари асинхрон моторларини частота ўзгартгич орқали бошқариш жараёнида энергия тежашга қуйидагича эришамиз. Тадқиқотлар олиб бориш жараёнида шундай хулосага келиндики, тўқув дастгоҳларидаги асинхрон моторларини тезлигини частота ўзгартгичлар орқали бошқариб ишга тушуриш жараёнида сарфланаётган электр энергиясини 11% га тежалишига эришиш мумкин экан. Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, тўқимачилик корхоналарида қўлланилаётган асинхрон моторларни эксплуатация қилиш жараёнида моторни частотавий бошқаришда электр энергия истеъмоли тежамлидир, чунки частота ўзгартгич асинхрон мотор тезлигини ростлашни,

электр юритма Ф.И.К. ни ошишига ва асинхрон моторнинг қувват исрофини камайтиришни таъминлайди.

ХУЛОСА

“Тўқимачилик корхоналарида қўлланилаётган асинхрон моторларда энергия ва ресурс тежаш” мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Тўқимачилик корхоналаридаги асинхрон моторларнинг тезлигини бошқариш усули ишлаб чиқилди, ушбу усулга Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтирога патент (№ IAP 05999-2018й) олинди;

2. Тўқимачилик корхоналаридаги тўқув дастгоҳларининг асинхрон моторларини частота ўзгартгич ёрдамида бошқариш орқали янги технология ташкил қилинди ва шу орқали тўқимачилик корхоналарида ишнинг унумдорлиги оширилди;

3. Янги электр юритма структура схемаси асосида частота характеристикалари ва барқарорлик критерияларини қўллаган ҳолда тўла таҳлил қилинди;

4. Электр юритма структура схемасининг узатиш функцияси ва параметрлари таҳлил қилинди. Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики, вақт доимийсининг ошиши билан системанинг тезлиги камаяди. Шу билан бирга ўта ростлаш ҳам камаяди;

5. Тўқув дастгоҳларининг асинхрон моторларини частота ўзгартгич ёрдамида бошқариш натижасида пайванд (тугун) қилинган жойларини керакли тезлик билан таъминлашга эришилди. Бундан ташқари Бухоро шаҳридаги “RUSHAN TEKS” МЧЖ тўқимачилик корхонаси мисолида бир йилда асинхрон моторларда 532045,884 кВт*с электр энергия ва “Daewoo Textile” МЧЖ хорижий корхонаси Бухоро филиали корхонасида эса бир йилда реактив қувватни компенсация қилиш ҳисобига, мос равишда 648695,416 кВт*с электр энергия тежалди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 03/10.12.2019. Т. 03.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО – ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ПАНОЕВ АБДУЛЛО ТИЛЛОЕВИЧ

**ЭНЕРГО И РЕСУРСОСБЕРЕЖЕНИЕ В АСИНХРОННЫХ ДВИГАТЕЛЯХ
ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**05.05.02– Электротехника. Электроэнергетические станции, системы.
Электротехнические комплексы и устройства.**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан (регистрационный номер В2019.1.PhD/Т412).

Диссертация выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (резюме на узбекском, русском, английском языках) размещён на веб-странице Научного совета (www.tdtu.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Пирматов Нурали Бердиёрович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Ишназаров Ойбек Хайруллаевич
доктор технических наук, профессор

Таслимов Абдурахим Дехканович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Ташкентский государственный транспортный университет


Защита диссертации состоится «16» декабря 2020 г. в 13⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc 03/10.12.2019. Т. 03.03 при Ташкентском государственном техническом университете. Адрес: 100095, Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (+99871) 246-46-00; факс: (+99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz.


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрировано за № 188). Адрес: 100095, Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (+99871) 246-03-41.

Автореферат диссертации разослан «04» декабря 2020 года.

(протокол реестра № 15 от «4» декабря 2020 года).




К.Р. Аллаев
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор, академик


О.З. Топров
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор


М.И. Ибодуллаев
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Введение (Аннотация диссертации доктори философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По всему миру в повышении эффективности текстильной промышленности особое внимание уделяется методу управления, основанному на сбережении энергии и ресурсов при работе ткацких и прядильных машин, а также определению производства качественной продукции. На сегодняшний день в развитых странах «... эффективность управления режимами энергопотребления зависит от уровня оборудования и новых технологий, используемых в инфраструктуре системы управления, и существуют разные подходы к обеспечению энергоэффективности»². В связи с этим, в частности, при разработке данных новых технологий, принимая во внимание влияние сил натяжения пряжи на ткацких станках, на предприятиях в управлении ткацкими и прядильными машинами уделяется особое внимание производству энергосберегающих и качественных продуктов.

По всему миру проводятся научные исследования по производству качественной продукции за счет управления энергосберегающими и ресурсосберегающими методами в процессе эксплуатации ткацких и прядильных машин на текстильных предприятиях. В связи с этим ведутся исследования научно обоснованных технических решений, отражающих современные принципы и соответствующих международным стандартам. Исследования в этой области, в частности, управление ткацкими станками с использованием новых технологий, сбережение энергии и ресурсов, а также производство качественной продукции, являются приоритетными задачами. Наряду с этим, одной из актуальных задач является обеспечение экономии энергии и ресурсов при управлении асинхронными двигателями, используемыми в ткацких станках текстильных предприятий, через преобразователь частоты.

В нашей стране проводятся исследования и реализуются меры по ускорению развития электроэнергетики, которая является одним из важнейших секторов экономики, а также производства качественной продукции с обеспечением сбережения энергии и ресурсов за счет использования новых технологий в управлении ткацкими станками на текстильных предприятиях. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, в частности, указаны задачи как «...сокращение энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий, повышение производительности труда в отраслях экономики»². Реализация данных задач, включая разработку энергосберегающих режимов асинхронных двигателей с помощью преобразователя частоты и обнаружение изменений характеристик структуры

¹ www.sciencedirect.com, www.scopus.com, www.literature.rockwellautomation.com

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

пряжи в конструкции асинхронных двигателей прядильных машин является одной из важных задач.

Данная диссертационная работа в определенной мере служит выполнению задач, указанных в Законе Республики Узбекистан «О рациональном использовании энергии» (№12412-1), принятом в апреле 1997 г., Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3012 от 26 мая 2017 года «О мерах по повышению энергоэффективности в социальной сфере и промышленности, дальнейшему расширению использования возобновляемых источников энергии в 2017-2021 годах», Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-2687 от 21 декабря 2016 года «О Программе мероприятий по дальнейшему развитию текстильной промышленности на 2017-2019 годы», а также в других нормативно-правовых актах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II. “Энергетика, энерго- и ресурсосбережение”.

